



"ИШБИЛАРМОН АЁЛ – 2024"

ҚАШҚАДАРЁ

## Кўхна Насафда уддабуронлар кўп

"Ишбилармон аёл" танловининг қадим "Одина" тарихий-меморий мажмуасида ўтказилган Қарши шаҳар саралаш босқичида шу ҳудуднинг турли маҳаллаларида хунармандчилик, тадбиркорлик билан шуғулланаётган хотин-қизлар ўз маҳсулотларининг кўргазмасини намойиш этдилар.

– Фарзанд кўрганимдан сўнг болаларим ўйинчоқларни кўп сўрайдиган бўлишди, – дейди Дилором Бозорова. – Уша пайтлари ўйинчоқларнинг нархи осмонда, ёш оила бўлганимиз учун сотиб олишга қурбимиз етмасди. Шундан сўнг матодан ўйинчоқ ясашга қарор қилдим. Аввалига ўхшамади. Кейинчалик чиройли кўғирчоқлар, эртақ қаҳрамонларини ясадим. Аста-секинлик билан маҳоратим оша борди. Шогирдларни ишга олдим. Кўш-ни болаларнинг туғилган кунларида ўйинчоқ совға қилишга одатландим. Маҳалладошлардан талаб тушгач, кичкинагина цех очиб, оила аъзоларимиз билан ишлаш бошладик. Болалар боғчаларининг буюртмаларига асосан маҳсулот етказяпмиз. Энг муҳими, улар матодан, саломатликка хавф тугдирмайди. Истаган пайтда ювиб, чангини тозалаб, яна кичкинтойнинг кўлига тутишингиз мумкин. Бугунги тадбир баҳонасида кўлаб ишбилармон аёлларнинг тажрибаси билан танишдим. Тадбиркорликнинг янги-янги йўналишларидан бохабар бўлдим. Бунинг учун "Аёллар қаноти"га раҳмат!

Ҳакамлар ҳайъати томонидан хунармандчиликнинг матоларга безак со-



лиш тури билан шуғулланаётган, Қавали маҳалласида яшовчи Феруза Бобомуродова, Комилонда яшовчи гулчи Гулбаҳор Муртазоева, тикувчилик ва каштачилик билан шуғулланиб, ўнлаб хотин-қизни иш билан таъминлаб келаётган отчопарлик Сожида Бойназарова, худойзодлик Гули Каримова, оқтепалик Севара Суёнова, Табассумда фа-

олият олиб бораётган Нафиса Асланованинг фаолияти алоҳида эътироф этилди. Саралаш жараёнида кўрик-танловнинг шаҳар босқичида қатнашадиган тадбиркор аёллар саралаш олинди.

О'zLiDeP Қашқадарё вилоят кенгаши матбуот хизмати

ЖИЗЗАХ

## Бир кафт ердан катта даромад

О'zLiDePнинг истиқболли лойиҳаларидан бири – "Ишбилармон аёл" кўрик-танлови маҳаллалардан бошланди. Аёлларимиз Ватан ичра кичик Ватан бўлиши масканларда туриб, юртимиз ривожига ҳисса қўшаётганига танловнинг Арнасой туманидаги 13 та маҳаллада ўтган саралаш босқичида гувоҳ бўлдик.

– Ибратли жиҳати, аёлларимиз томорқчиликдан тортиб тикувчилик, хунармандчилик, фермерликнинг анча ҳадисини олишгани сезилаяпти, – дейди О'zLiDeP Арнасой туман бўлими аппарат раҳбари Сабоҳат Тошпўлатова. – Мисол учун, Олтин водий маҳалласида истиқомат қилувчи Дилором Аюпова томорқчилик билан банд. Етти йил олдин 1 сотихгина майдонда иссиқхона қурганди. Аста-секин тажриба орттирди. Бугунги кунда иссиқхонасида 35-40 мингга яқин помидор, булғор қалампир, райхон ва бақлажон кўчатлари етиштирмоқда. Даромади ҳам шунга яраша – йилига 25 миллиондан ортиқ. Бўстонлик Матлуба Қонаева тикувчи. Сафиға 5 нафар маҳалладошини жам қилиб, миллий ва замонавий либослар тикиб, сотаётган. Мижозлари талайгина. Ишчиларини 10 нафарга етказмоқда.

Дўстликда истиқомат қилувчи оилавий тадбиркор Нарғиза Холбекова эса каштачилик ва қуроқчиликнинг устаси. Янгибўстонлик ишбилармон, "Янгибўстонлик Сиёвуш" фермер хўжалиги раҳбари Дилфуза Усарова ҳозир пиллачиликка киришиб, 10 та янги иш ўрни яратди.

Ғолиблар маҳалласида яшовчи Фазилат Матмурова оиласининг ёлғиз боқувчиси,



партия фаоли. 33 млн сўмлик кредит олиб, томорқасини гуллатиб қўйган. Бутун оила бир ёқадан бош чиқариб ишлаётгани боис рўзгорлари бут, дастурхони тўкин. Камига, бозорга маҳсулот чиқариб, элдошларига сотмоқда.

Гувоҳи бўлганингиздек, Арнасойдаги ҳар бир маҳаллада ишбилармон аёллар кўп. Улар орасида Ғафур Ғуллом маҳалласидаги "Бўстон текстил" МЧЖ раҳбари Шоира Туйғунова, зарафшонлик, "Хадича чевар" МЧЖ раҳбари Хадича Бўрибоева, чинободлик қулупнайчи Олтиной Шамиева, Тинчлик

маҳалласидаги қуроқчи Дилафруз Эргашева, чўлқуварлик хунарманд Зулфия Бердиева, Гулбаҳор маҳалласидан тикувчи Барно Нахалова, Бобур маҳалласидан каштачи Юлдуз Ғаниева, чопончи Шоира Туйғунова кўрик-танловнинг саралаш босқичи ғолиби деб топилди. Эндиликда улар танловнинг туман босқичида иштирок этади.

Саида УМАРАЛИЕВА,  
О'zLiDeP Жиззах вилоят кенгаши  
"Аёллар қаноти" гуруҳи раҳбари

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

## Шогирдлари юздан зиёд

О'zLiDeP Нукус шаҳар кенгаши томонидан ўтказилган "Ишбилармон аёл – 2024" кўрик-танловининг маҳалла босқичида тадбиркор ва хунарманд хотин-қизлар ўз маҳсулотлари билан иштирок этди.

– Қорақалпоқ халқининг миллий кийимларини тикиш билан шуғулланиб келаётганимга ўн беш йилдан ошди, – дейди хунарманд Гулжаҳон опа Заримова. – 100 дан зиёд шогирдим бор. Халқимизнинг миллий либосга бўлган талаби йилдан-йилга ошиб бормоқда. Фаолиятимни янада кенгайтириш мақсадида банкдан 100 млн сўм кредит олдим. Турли танлов ва кўргазмаларда ҳам фаол иштирок этиб,

миллийлигимизни тарғиб этиб келяпман. Ўтган йилнинг 25-26 ноябрь кунлари Москва шаҳрида бўлиб ўтган Евроосиё миллий либослар модаси танловида миллий либосларимиз билан иштирок этиб, 2-ўрин соҳиб бўлдим.

"Adilbek invest Nukus" МЧЖ раҳбари Гулноз Одилбекова эса ўн йилдан буён сифатли нон маҳсулотларини ишлаб чиқармоқда. Корхонасида 30 дан зиёд ёшнинг бандлиги таъминланган. Номзодлар белгиланган мезонлар асосида ҳакамлар ҳайъати томонидан саралаш олинди. Энг фаоллари танловнинг шаҳар босқичида иштирок этиш имкониятини кўлга киритди.

О'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши матбуот хизмати



МУНОСАБАТ



Эркин ХОЛМАТОВ,  
О'zLiDeP Жиззах вилоят кенгаши раиси,  
Халқ депутатлари Жиззах вилоят кенгашидаги О'zLiDeP депутатлик гуруҳи раҳбари

## ВАТАН ТАҚДИРИ – ХАЛҚ ТАҚДИРИ

Ривожланган давлатлар тараққиёти тарихига назар солсак, бундай юксак муваффақиятларга эришишнинг асосий сабаби, фақатгина тадбиркорликка берилган эътибору демократик, ҳуқуқий тамойиллар устуворлигидагина эмас, балки кенг жамоатчиликни улғувор мақсадлар сари етаклайдиган ғоялар эканлиги амин бўлаемиз.

Президентимиз илгари сурган Янги Ўзбекистон ғояси халқимиз қалбидан чуқур жой олди, умуммиллий ҳаракатга айланди. "Ишонч" газетасининг жорий йил 21 май кунги сонидан таниқли жамоат аربоби, сиёсатшунос Қудратилла Рафиқовнинг чуқур таҳлил ва кузатувларига асосланган "Шавкат Мирзиёев: Мен умримни шу халққа тикканман!" мақоласини мутолаа қилар эканман, хаёлимдан беихтиёр ана шундай ўй-фикрлар кечди.

Мақола муқаддимасида муаллиф ўз таҳлилларини қозғога кўчиришга нималар ундаганини шундай изоҳлайди: "Президентнинг яқинда Жиззах вилояти фаоллари билан учрашувдаги маърузасида бир нуқта кўпчилигининг эътиборини тортди, – деб ёзади муаллиф. – Унда давлатимиз раҳбари шундай деган эди: "Худо менга соғлиқ бериб, умр берса, бизда камбағаллик ва ишсизлик бўлмайди. Нимага десангиз, бунга мен етти йил умримни тикдим. Тизим яратдим, қонун яратдим, дунёни очиб бердим. Халқим яхши яшасин, ниятлари амалга ошсин, болалари бахтли бўлсин, неваралари соғлом туғилсин, мактаби ишласин, йўллари равон бўлсин деб ишга келдим...". Ёзилган нутқдан ташқарига чиқиб айтилган ушбу мулоҳазалар одамларни фавқулодда сергажлангирди. Эҳтимол, шундангир айни кўпсиз матбуот ва ижтимоий тармоқларда кўп айланди.

Нега? Чунки бу сўзлар самимий ва чин юракдан айтилган эди..."

Шахсан мен ҳам ана шу тарихий учрашувда қатнашган бир оддий инсон, О'zLiDeP фаоли сифатида давлатимиз раҳбарининг айтган самимий дил сўзлари ҳар бир ватандошимизнинг юрагига ақиб борганини теран ҳис қиламан.

Мулоқотдан сўнг таассуротлар оғушида турганимда, анжуман иштирокчиларидан бирининг "Ватанни севишни, халқларварлиқни, фидойилиқни Президентимиздан ўрганганимиз керак аслида", деб айтган ҳажонли гаплари ҳамон ёдимда. Бу фикр ўша кун мазкур мулоқотда қатнашган катта кичикнинг хаёлидан ўтгани шубҳасиз. Негаки, сўнги етти йил ичида юртимизда амалга оширилган улкан бунёдкорлик жараёнлари, янгилик ва ўзгаришлар энг чекка ҳудудларга етиб борди. Неча ўн йиллар давомида одамларни ташвишга солиб келган ичимлик суви, электр энергияси таъминоти, йўл, тиббий хизмат, таълим ва қўйинги, барча соҳаларда рўй берган ислохотлар халқимизнинг эртанги кунга бўлган умид-ишончини мустаҳкамлади.

Узоққа бормаёлик, масалан, ана шундай катта, залворли ўзгаришлар бугун Жиззахнинг қайси бурчақларида бўй кўрсатди, деб мендан сўрарса, биринчи навбатда одамларимизнинг дунёқарашида, тушунчаларида деган бўлардим. Депутат бўлиб сайланган ҳудудимда ҳам ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотаган, бугунги дорилором кунларда кексалик гаштини сураётган кўплаб нурунийлар истиқомат қилади. Ҳар бир ишни бошлашдан олдин улар билан маслаҳатлашамиз, таклиф ва мулоҳазаларига қулоқ тутамиз.

Ана шундай мулоқотларимизда оқ-

соқоллардан бири: "Кунда бўлмасаям, қунора эшигимизни кимдир тақиллатиб келади. Бир қарасанг, фалончи секторданмиз дейишади, бир қарасанг, ҳоким ёрдамчисиман, дейди. Ёки қайсидир партиядан, ҳатто банкдан ҳам келишади. Бари хушмуомала, оқсоқол нима ёрдам керак, невараларингизни тадбиркорликка йўналтирайлик, маблаг берайлик, дейишади баракка топгулар". Шундай кезларда бир пайтлар ишимиз тушганида баъзи катта-кичик раҳбарлар эшиги олдида соатлаб сарғайганимиз, муаммомиз ҳал бўлмагани етмаганидек, болаимиз тенги "коттакон"дан дакки эшитиб, изза бўлган кунларимиз ёдга тушади.

Шундай дейман-у, лекин минг афсуски, "Давлат боқиси керак", деган боқимандалик тушунчасида юрганлар ҳозир ҳам орамизда йўқ эмас. Яратилаётган имконият, имтиёزلарни баъзан суистеъмол қилиш ҳолатлари учраб турганидан кўз юмолмаймиз. Шундайларга қарата "Ватан менга нима берди, деб ҳадеб таъма қилавермасдан, менчи, узим шу Ватан равнақиға қандай ҳисса қўшдим?" дегим келади. Эътиборли жиҳати, ўша кунги тадбирда давлат раҳбари "Маҳалла еттилиги" таркибига эл-юрт орасида обрў эътибор қозонган фахрийларимизни китишди, "маҳалла саксизлиги"ни ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари ҳам жуда ўринли бўлди.

Бугун ишлайман деган, даромад топаман деган одам учун маҳаллаларда барча шароитлар яратиб қўйилди. Биргина бизнинг вилоятимизда жорий йилнинг апрель ойида 9 та тижорат банки томонидан 2 741 та хонадонга 82 млрд сўм кредит ажратилди. Аҳоли томорқасидан самарали фойдаланишни қўлаб-қувватлаш мақсадида кредит ва хомийлик ҳисобидан хонадонларга 112,1 мингта товуқ, 17,6 мингта бедана, 7,8 минг бош қўй ва эчки, 1 443 бош қорамол, 1 523 та асалари қутиси етказиб берилди.

Тўғри, ечимини кутиб турган муаммолар ҳам йўқ эмас. Жумладан, аҳоли бандлигини таъминлаш, уларнинг доимий даромад манбаларини шакллантириш чора-тадбирлари изланмоқда. Мисол учун, вилоятда жорий йилнинг январь-апрель ойларида 68 минг 180 нафар аҳоли бандлиги таъминланди. Бу эса халқимизни камбағалликдан чиқаришга ташланган салмоқли қадамлардан биридир.

Яқинда пойтахтимиздаги III Тошкент халқаро инвестиция форумида иштирок этган Қирғизистон бош вазири Ақилбек Жапаровнинг: "Бир пайтлар биз Сингапурга ўхшаши орзу қилиб, жаноб Ли Куан Ю китобларини ўқиган бўлсак, бугун хурматли Шавкат Мирзиёев чиқишларини, Ўзбекистон ҳукумати амалга ошираётган ишларни диққат билан кузатмоқдамиз. Бу анжуманга ҳам 100 нафардан ортиқ делегация аъзолари билан келдик. Мақсадимиз – Ўзбекистонни Марказий Осиёда етакчи ўринга олиб чиққан томонларини ўрганиш", деган гапларини кўпчилик олқишлагани бежиз эмас эди.

Ушбу анжуманнинг яна бир меҳмони, Хитой ижтимоий таъминот вазири маслаҳатчиси Енг Лиу Янг эса: "Мамлакатингизда Янги Ўзбекистонни барпо этиш, республикани иқтисодий, ижтимоий ривожлантириш йўлида олиб борилаётган ишлар таҳсинга лойик. Бу жараёнга нафақат давлат, ҳукумат аъзолари, балки оддий халқ ҳам иштиёқ билан киришганига гувоҳ бўлдик", деб таъкидлади.

Юқори мартабали меҳмонларнинг бу сўзлари юртимизда кечаётган туб ислохотлар самарасининг эътирофидир. Қўлга киририлаётган ҳар қандай кўринишдаги катта-кичик ютуқ ва муваффақиятларнинг бардавом бўлиши эса сизу бизга, хусусан, Ватан тақдирини, халқимиз келажағига бефарқ бўлмаган барча юртдошларимизга боғлиқ.



# БУХОРО БУНЁДКОРЛИК ОҒУШИДА

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТНИНГ ТУРЛИ ТАРМОҚЛАРИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ЛОЙИХАЛАРНИ ШАХСАН КЎЗДАН КЕЧИРИШ, ЙИРИК ОБЪЕКТЛАР ҚУРИЛИШИГА СТАРТ БЕРИШ, МАҲАЛЛАЛАР ҲАЁТИ БИЛАН ЖОЙИДА ТАНИШИШ МАҚСАДИДА 31 МАЙ – 1 ИЮНЬ КУНЛАРИ БУХОРО ВИЛОЯТИДА БЎЛДИ.

Ташриф хайрли амалдан – Баҳоуддин Нақшбанд мақбараси зиёратидан бошлангани, Қуръони Карим оятлари тиловат қилиниб, халқимизга тинчлик-фаровонлик тилаб дуо ўқилгани ҳам аввало инсон руҳияти ўзгарса, турмуш тарзи ўзгариши билан боғлиқ фалсафани яна бир қарра исботлади. Мана, масалан, ушбу зиёратгоҳга Тоқмиёна дарвозасидан борувчи тарихий йўлак тикланиши, энди зиёратчилар Баҳоуддин Нақшбанд мақбарасига суннатга мувофиқ қибла тарафдан юриб бориши ҳар амални аслига мослаштиришга ўрганаётганимиздан, қалбан ўзгараётганимиздан далолатдир.

– Юз йил вайрон бўлиб ётган бу дарвозани тиклаганимиз – ўзликни англаш, тарихга ҳурматимиз ифодаси, – деди Шавкат Мирзиёев. – Энди бу ердаги ҳар бир обидага, хонлар даҳмаларига битиклар ёзиб қўйиш керак. Зиёратга келганлар қадамма-қадам тарихни ўрганиб, маънавий руҳ олиб ўтсин.

## “METHANOL TO OLEFINS” ТЕХНОЛОГИЯСИДАГИ БИРИНЧИ ЗАВОД

Ташриф арафасида “Қорақўл” эркин иқтисодий зонасида “Енприе” корхонаси ишга туширилди. Умумий қиймати 58 миллион доллар бўлган лойиҳа тўлиқ хорижий инвестиция ҳисобидан амалга оширилган. Хитой, Туркия, Нидерландия ва Испаниядан замонавий ускуналар келтирилган бўлиб, бу ерда йилга 300 минг тонна металл қувурлар ишлаб чиқарилади.

– Бухорога келишимиздан мақсад 2 миллиондан зиёд аҳолининг турмушини яхшилаш, даромад манбаи яратиш, камбағалликни қисқартириш, – деди Президент. – Вилоятнинг кўп жойида экин экиш учун ернинг шўрини ювиш керак. Шўнинг учун биз кўпроқ саноатга эътибор беряпмиз. Мана шу заводни ҳам нима учун қурдик? Бундай қувурларни олиб келиш учун кўп пулимиз йўлга кетарди. Бугун яна янги иншоотлар қурилишини бошлаймиз. Уларнинг атрофида бир нечта корхоналар, иш ўринлари пайдо бўлади. Пировард натижада одамларнинг уйига ёруғлик, ишонч ва умид киради. Ана шу умид бизларни бирлаштиради.

“Қорақўл” эркин иқтисодий зонаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 августдаги

тармоққа уланиши туфайли ишлаб чиқариладиган жами қувватда муқобил энергия улуши 9 фоиздан 15 фоизга ошади. Уларнинг сафига Бирлашган Араб Амирликларининг “Masdar” компанияси томонидан қуриладиган 250 мегаваттлик қуёш электр станцияси ҳам қўшилади. Бу лойиҳа учун Олот туманидан 648 гектар ер ажратилган. Станция 2025 йил декабрда ягона электр тармоғига уланиши режалаштирилган. Бундан ташқари, Бухоро вилоятида Саудия Арабистонининг “ACWA Power”, Хитойнинг “Gezhouba” компаниялари томонидан ҳам муқобил энергия мажмуалари барпо этилмоқда. 2030 йилга бориб вилоятдаги қувватлар 9 қарра ортиб, йилга 12,5 миллиард килловатт соат “яшил” энергия ишлаб чиқарилади.

Стартадаги яна бир лойиҳа – янги халқаро аэропорт. Боиси биргина 2023 йилда Бухорога 1 миллион 400 мингга яқин хорижий туристлар ташриф бурган. Бу омил вилоят халқаро аэропортида парвозлар сонини кўпайтиришни талаб этмоқда. Шу боис хусусий шериклик шартлари асосида Бухоро туманида янги халқаро аэропорт қуриш кўзда тутилган. 226 миллион долларлик ушбу лойиҳа доирасида жаҳон стандартларига мос аэропорт инфратузилмаси ташкил этилади. Соатига 1 минг 200 нафар йўловчига хизмат кўрсатиш имконияти яратилади. Йўловчи ва ҳаво кемаларига сервис сифатини ошириш орқали янги халқаро авиакомпаниялар жалб қилинади.

## ҚОРАҚЎЛДА “ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН”

Президент Қорақўл туманидаги қурилаётган “Янги Ўзбекистон” массивини бориб кўрганида бу жиҳат яққол кўзга ташланди. Дарҳақиқат, хуудда илгари бунчалик кенг қўламли қурилиш бўлмаган эди. Бўлиши-



қатламларини ўша жойнинг ўзида қайта ишлаб, янгилаш мумкин бўлади.

Бухоро вилоятида илгари бир йилда ўртача 250-300 километр йўл ишлари бажарилган бўлса, биргина 2023 йилда 1 минг 255 километр йўллар таъмирланган. Бу йил ҳудуд бўйича 1 минг 316 километр йўлни реконструкция қилиш ва таъмирлаш режалаштирилган. Шуларнинг давоми сифатида Ўзбекистон туманидан Туркманистон чегарасигача 155 километр йўлни реконструкция қилиш лойиҳаси маъқулланди. Йўлсозлик соҳасида кадрлар тайёрлаш, мутахассисларнинг ривожланган давлатларда малака оширишини ташкил этиш лозимлиги таъкидланди.

## “ОЁҒИМИЗ ОСТИДА ИМКОНИАТЛАР ТУРИБДИ”

Ташрифнинг иккинчи куни Ўзбекистон туманида Шавкат Мирзиёев раислигида Бухоро вилоятини иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича йўналиш ўтказилди.

Унда алоҳида таъкидланганидек, сўнгги йилларда вилоят иқтисодиёти 1,5 баробар ўсиб, 53 триллион сўмдан ошган, аҳоли жон бошига 26 миллион сўмга етган. Саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатишда 4 минг 600 та корхона ташкил этилиб, 90 мингта иш ўрни яратилган. Экспорт 215 миллион долларга етган. Қорақўл, Жондор, Шофиркон ва Когон туманларининг ҳар бирида саноат ҳажми йилга 1 триллион сўмдан ошган.

Йўналиш давомида кам даромадли ва чет элда қийналган одамларга муносиб шароит яратиш, ишли қилиш ҳоқимлар ва сектор раҳбарлари учун стратегик вазифа эканига урғу берилди. Шу боис Бухорода бу йил кичик бизнесга 5,9 триллион сўмга қўшимча яна 2,1 триллион сўм кредит берилиши айтилди. Бухородаги кичик бизнес, туризм ва сервис учун яна 100 миллион доллар алоҳида ажратилади. Булар орқали июнь-декабрь ойларида 78 минг аҳоли бандлигини таъминлаш мумкин.

Одамлар бандлигини таъминлайдиган катта имконият саноат зоналарида экани аён. Когон туманида минг гектар майдонда йирик саноат мажмуаси барпо этилаётгани айтилди. Биринчи боқичда 300 миллион долларлик лойиҳа амалга оширилади. Бу вилоят иқтисодиётига йилга 250 миллион доллар қўшилган қиймат, 2 мингта иш ўрни, 250 миллиард сўм солиқ тушуми ва 100 миллион доллар экспорт беради.

Электр техникаси тармоғида бу йил Бухоро шаҳри ва Қоровулбозорда 50 миллион долларлик 3 та йирик

қувват ишга тушади. Темир-бетон маҳсулотлари чиқарилган завод қурилади. Бухоронинг тарихий қисмида заргарлик маркази ташкил этилади.

Инвестиция лойиҳалари инфратузилмасига 200 миллиард сўм ажратилиши белгиланди. Натижада 405 миллион долларлик 5 та лойиҳанинг ишга тушиши тезлашади. Масалан, Бухоро туманидаги нефть-кимё кластерида бензол, олефин, ароматик углеводород, нафтадан пентан ва гексан эриткичлари ишлаб чиқарилади. 4,5 триллион сўмлик қўшилган қиймат, 130 миллион доллар экспорт тушуми ва 600 та юқори даромадли иш ўрни очилади.

Бухорода йилга 5 миллион хорижий турист келиши учун шароит яратилмоқда. Шаҳар марказида Боқий Бухоро маданий этнографик парки ва янги аэропорт қурилиши бошланди. Шу билан бирга, вилоятдаги 30 та тарихий ёдгорликни таъмирлаш бўйича кўрсатма берилди. Зарафшон дарёси бўйида сайилгоҳ ташкил қилиш, Тўдақўл сув ҳавзаси бўйида дам олиш масканларини кўпайтириш зарурлиги қайд этилди. Ҳукуматга улуғ аждодларимиз бой меросини чуқур ўрганиш, обидалар атрофида туризм контентини кўпайтириш бўйича дастур ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Қишлоқ хўжалигида ҳам фойдаланилмаган имкониятлар кўп. Вилоятда ип-калаванинг 57 фоизи мато қилинган, қолгани хомашё шаклида 4 баробар арзон сотилган. Вилоятда 1 миллион 200 минг тонна мева-сабзавот етиштирилса-да, экспорти кўп эмас. Сабаби – мева-сабзавотларни сотиш жойлари ҳал қилинмаган, уларни қадоқлаш тизими йўқ.

Давлатимиз раҳбари йўналиш Ўзбекистонда бўлаётганига эътибор қаратиб, бу ерликларнинг ишбилармонлигини таъкидлади. Сўнгги йилларда туман саноати 2 қарра ўсиб, 2 триллион сўмдан ошган. Шу вақтда 2 мингдан зиёд янги тадбиркор иш бошлаган. Бу суъратни давом эттирган ҳолда, тадбиркорларни экспортга йўналтириш, хонадонлардаги кичик ишлаб чиқаришларни “соядан” чиқариш, ёшаларга касб ўргатиш, замонавий шифохона қуриш вазифалари белгиланди.

Ўзбекистонлик тадбиркорлар 10-11-синф ва коллеж ўқувчиларига дарсдан сўнг касб ўргатиб, 2 миллион сўмгача ойлик тўлаш, бепул тушлик ва текин автобус билан таъминлаш таклифини билдирган. Президент бу таклифини маъқуллаб, хайрли тажрибага, “Бухоро тажрибаси”га айлантириш зарурлигига урғу берди.

## “ҒИЖДУВОН ИПАК ТОЛА”СИНИНГ СИРИ БОРМИ?

Маълумки, мамлакатимизда ипакчилик тармоғига ҳам кластер тизими жорий этилди. Жумладан, 74 та пилла-ипакчилик кластери ва 11 та уруғчилик корхонаси ташкил қилинди. Тут майдонлари 40 минг гектардан 55 минг гектарга кенгайди. Буларнинг натижасида пилла етиштириш ҳажми 2,5 баробар, ипак маҳсулотлари экспорти 3 баробар кўпайди.

“Ғиждувон ипак тола”да ҳам кластер тизими йўлга қўйилиб, йилга 48 тонна хом ипак ва 28 тонна ипак момиги ишлаб чиқариш қуввати яратилган. Унга Ўзбекистон ва Шофиркон туманлари бириктирилган бўлиб, озуқа базаси учун йилга 2 миллион 300 минг туп тут кўчатлари экилган. Икки туманда 28 минг нафар аҳоли иш билан таъминланган. Корхонада пилла хомашёси тўлиқ қайта ишланади. Бу йил икки марта ҳосил олинган, 842 тонна пилла хомашёси етиштирилди. Бу 104 миллиард сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда 4 миллион доллардан зиёд экспорт қилиш имконини беради.

Давлатимиз раҳбари пилла қуртхонаси ва ҳосилни кўздан кечирди. Пилла генетикасини ривожлантириб, сифат тоифасини ошириш, кластерлар фаолиятига илмий ёндашувни олиб кириш зарурлигини таъкидлади. Намунали кластерларда бошқа пиллакорларни ўқитиб, илғор технологияларни омалаштириш бўйича кўрсатма берилди.



тегишли қарорига асосан ташкил этилган. Ер майдони 566 гектар бўлиб, 5 та йирик лойиҳа жойлаштирилган. Улар боқичма-боқич амалга оширилиб, яқунда уч мингга яқин иш ўрни яратилади.

Давлатимиз раҳбарининг ҳудудларга ташрифи улкан лойиҳаларга асос бўлиши янги аънамага айланган. Бу гал ҳам шундай бўлди – Бухоро вилоятида йирик энергетика ва транспорт мажмуаларининг қурилиши бошланди.

Айни пайтда хуудда 7 миллиард долларлик хорижий инвестициялар ҳисобидан 41 та ва яна шунча қийматдаги 39 та маҳаллий лойиҳа бўйича иш олиб борилаётгани диққатга сазовор. Энди яна учта йирик иншоот – газ-кимё мажмуаси, қуёш электр станцияси, Бухоро халқаро аэропорти қурилиши режалаштирилган. Шулардан бири “methanol to olefins” (MTO) технологияси асосида ишлайдиган юртимиздаги биринчи завод – замонавий газ-кимё мажмуасидир.

Мазкур лойиҳа доирасида қарийб 5 миллиард доллар инвестиция жалб этилиб, АҚШ, Германия, Дания, Австрия, Италия ва Хитойнинг энг илғор технологиялари келтириб ўрнатилади. Унинг фойдаланишига топширилши қурилиш, тўқимачилик, чарм-пойабзал, автомобилсозлик, электротехника ва бошқа турдош соҳаларда ўнлаб корхоналар очилишига туртки беради. Натижада Бухорода нафақат туризм, балки саноат ҳам ҳақиқий “драйвер”га айланади.

Сўнгги йилларда вилоятда 2 миллиард доллар хорижий инвестиция ҳисобига қуввати 2 гигаваттлик 10 та қуёш ва шамол электр станцияси тармоққа уланди. Бугунги кунда хорижий шериклар билан жами 19 миллиард долларлик 18,3 гигаваттлик 32 та “яшил” генерация қувватлари қурилмоқда. Жорий йилнинг ўзида 14 та қуёш ва шамол станциясининг дастлабки 2,6 гигаватти

ни биров тасаввур ҳам қилолмаган. Халқнинг ўй-хаёли тудан янгиланди. Ҳаммаси “Қорақўл” эркин иқтисодий зонаси ташкил этилганидан кейин жадал суъратга кирди. Ундаги қурилаётган заводларда келгусида минглаб одамлар иш билан таъминланади. Қолаверса, юртимизнинг бошқа ҳудудларидан ҳам мутахассислар келиб ишлайди. Уларга қулайлик, оилаларига муносиб турмуш шароити яратиш мақсадида мазкур иқтисодий зона яқинида янги массив бунёд этилмоқда. Яъни, одамлар узоқ келажақда эмас, ҳозир яхши яшаши учун тинмай ҳаракат қилинмоқда.

Энди бир саволга ўйлаб жавоб беринг-чи: етти йил олдин Қорақўлнинг ярим чўл даштларида худди Тошкентдагидек барча қулайликларга эга, шароитлари пойтахтники билан теппа-тенг кўп қаватли уйлар қурилади, деса ишонармидингиз?

Саноқсиз “яма”лари наинки автомобиль, балки унинг ичидаги йўловчиларни-да қалтиратадиган ўйдим-чуқур йўллар бир кун келиб раван трассаларга айланади, дейишса-чи?

Шавкат Мирзиёев “Самарқанд – Бухоро – Туркманбоши” автомобиль йўлининг Қорақўл туманидан ўтган қисмида олиб борилган таъмирлаш ишларини кўздан кечирганида шу фикр дарров ҳаёдан ўтди.

Лойиҳага кўра, 4 тасмали йўл янги қатламли асфальт-бетон билан қопланган. Бунда мустаҳкамлиги юқори инновацион материаллардан фойдаланилгани эвазига йўлнинг сифати ошган. Масалан, ҳозирги аънавий асфальт йўллар ўн беш йил атрофида қайта қурилса, янги лойиҳа бўйича йигирма йилгача хизмат қилади. Уларни жорий таъмирлаш оралмиги ҳам узаяди. Яна бир самарали томони, таъмирлаш жараёнида йўл



МУАММО ВА ЕЧИМ

# МУҚОБИЛ ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯ

## ЁХУД ГЕОТЕРМАЛ УСУЛИ ХУСУСИДА АЙРИМ КУЗАТУВЛАР

Замон ўзгаришлари, техник тараққиётнинг кескин ривожланиши ва ер юзи аҳолисининг ўсиб бораётгани кўпгина ресурсларни ишлаб чиқаришга бўлган талабни янада оширмоқда. Кўряпмизки, бугунги кунда айниқса муқобил энергия ишлаб чиқариш бўйича бутун дунё олимлари, мутахассислари жиддий изланишлар олиб боришмоқда. Хўш, бу борада Ўзбекистонда қандай чора-тадбирлар кўриляпти?

Сир эмас, муқобил энергетика ислохотлари қолган бошқа соҳаларга ҳам бевосита таъсир қилади. Масалан, саноатда ўзига хос "инқилоб" ясаган Хитой 2021 йилдаги кўрсаткичларга кўра, электр ишлаб чиқаришда етакчи бўлган 76 та давлат ишлаб чиқарган ҳажмининг 30 %ини, АҚШ эса 15,5 %ини ташкил қилган. Шу билан бирга, улар қайта тикланувчи электр энергияси ишлаб чиқаришда ҳам олдинги ўринларда туради. Ёки 2021 йилда Хитой ишлаб чиқарган электр энергиясининг 13,5 %и (1152,5 Тв) муқобил энергия ҳисобига тўғри келади. Бошқа мамлакатларда эса яшил энергия кўп ҳажмда ишлаб чиқарилаётган бўлса-да, лекин бу аъёнанинг усулда олинадиган электр ҳажмидан анча паст. Эътиборли жиҳати, қайта тикланувчи энергиядан кенг миқёсда фойдаланадиган давлатлар орасида барибир Буюк Британия, Германия, Испания, Голландия, Австралия ва Бразилия етакчилик қилмоқда.

Дунё бўйлаб энергия ишлаб чиқаришнинг турли хил усуллари бор. Лекин улар орасида геотермал усули энг кам ўрганилганини инобатга олиб, биз бугун шу мавзуда сўз юритмоққа ҳаракат қиламиз.

Маълумки, геотермал энергия ер қобиғидаги иссиқлик энергияси бўлиб, сайёранинг шаклланиши ва материалларнинг радиоактив парчаланишидан пайдо бўлади. Ернинг ички қатламидаги юқори ҳарорат ва босим баъзи жисмларнинг эриши ва қаттиқ сиқилиши натижасида улар юқорига қараб ҳаракатланади. Ана шу майдондаги ҳарорат, тасаввур қилмасанми, 4 000 °C (7 200 °F) дан ошиши мумкин экан.

Қайта тикланадиган электр энергиясини ишлаб чиқариш манбаларига талаб ўсишда давом этар экан, демак, геотермал энергияга эҳтиёж жуда катта ва у муҳим улушга айланиши мумкин.

Энергия манбасини қайта ишлаш учун учта турдаги геотермал электр станциялар мавжуд – куруқ буғ электр станциялари, чаққон буғ электр станциялари ва иккилик цикли электр станциялари.

Геотермал энергиянинг доимий ва прогноз қилинадиган мавжудлиги, нисбатан арзонлиги ва кичик углерод изи билан бирга яшил энергияга ўтишнинг бир қисми сифатида уни келажак учун жозибдор қувват манбаига айлантиради.

Энг кўп геотермал станцияларга эга давлат АҚШ ҳисобланади. Калифорния штатида 22 та геотермал завод-



дан иборат Гейзерлар деб номланувчи дунёдаги энг катта геотермал мажмуа жойлашган.

Умуман XX асрдаёқ электр энергиясига бўлган талаб геотермал энергияни ишлаб чиқариш заруратини пайдо қилган эди. Утмиш манбаларида ёзилишича, шахзода Пиетро Гинори Конти биринчи геотермал электр генераторини 1904 йил 4 июлда геотермал кислота қазиб олиш бошланган Лардерелло куруқ буғ қонида синовдан ўтказган. Шахзода ўшанда тўртта "лампочка" – чирокни муваффақиятли ёндирган экан. Кейинчалик, 1911 йилда Америкада дунёдаги биринчи тижорат геотермал электр станцияси курилади. Ва шу-шу буғ фойдиб усул оммалаша бошлади.

Гидротермал ресурсларнинг ҳарорати тахминан 104°С ва ундан юқори бўлса, электр энергиясини ишлаб чиқариш учун ишлатилиши мумкин. Кўпгина электр энергиясини ишлаб чиқарадиган геотермал ресурслар 150 дан 370°С гача бўлган ҳароратга эга, аммо геотермал сув омборлари деярли 540°С га етиши мумкин.

Геотермал энергия ресурслардан фойдаланиш назарий жиҳатдан жуда қулайдек туюлади. Аммо табиат инъом этган неъматлардан фойдаланишнинг нозик жиҳатларини ҳам ўйлаб кўриш лозим. Бу борада турлича қарашлар ҳа-

мон сақлаиб турибди.

Савол туғилади: Геотермал усулдан фойдаланишнинг афзалликлари нимада?

Авалло у экологик тоза эканлиги билан ажралиб туради. Геотермал энергия аъёнанинг ёшилги, масалан, кўмир ва бошқа қазиб олинмаган ёшилларга қараганда экологик жиҳатдан анча фойдали. Бундан ташқари, геотермал электр станциясининг углерод изи паст ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ баъзи ифлосланиш даражаси бўлса-да, бу нисбатан минимал миқдордадир.

Асосийси, у қайта тикланади! Яъни табиий энергия манбаи бўлиб, тахминан 5 миллиард йил ичида Ер кўёш томонидан йўқ қилинмагунча давом этаверади. Чунки биз яшаб турган заминдаги "иссиқ сув омбор"лари табиий равишда тўлдирилади ва бу уни қайта тиклайверади.

Яна бир афзаллик жиҳати, барқарорлигидир! Геотермал усул шамол ва кўёш энергияси каби бошқа қайта тикланадиган манбаларга қараганда ишончли энергия манбаига эга, яъни улардан фарқи уларок, исталган вақтда фойдаланиш имконияти мавжуд.

Албатта, бошқа манбаларга қараганда ишончли! Бунда ишлаб чиқарилган энергияни ҳисоблаш осон, бошқала-



**Дилшод ШОУМАРОВ,**  
"Юксалии" ҳаракати Тошкент шаҳар бўлимаси раҳбари

ри каби ўзгариб турмайди. Бу шуни англатадики, биз юқори аниқлик билан геотермал станциядан чиқадиган қувватни тахмин қилишимиз мумкин.

Энг қулай ва афзаллиги ёшилги талаб қилинмайди! Нега десангиз, геотермал энергия табиий манба бўлиб, ёшилга умуман эҳтиёж йўқ!

Ноқулайлиги ё нуқсонлари ҳам борми, деган савол туғилиши табиий. Албатта, бор, лекин улар бу усулнинг фойдали ҳамда ҳар қандай давлат учун тежамкорлигига асло соя солмайди деб ўйлаймиз.

Камчиликларини ҳам санаб ўтишимиз лозим.

Геотермал энергиянинг энг катта камчилиги унинг жойлашуви чекланганидир. Чунки геотермал станцияларни имкони борича энергия олиш қулай бўлган жойларда куриш керак, яъни айрим ҳудудлар ушбу ресурслардан фойдалана олмайди.

Атроф-муҳитга салбий таъсири борми? Геотермал энергия одатда иссиқхоналардагидек захарли газлар чиқармаса-да, қазиб жараёнида, табиийки, атмосферага кам миқдорда зарарли газлар тарқалади. Аммо газ чиқиндилари қазилма ёшилларнинг қониқидан анча паст.

Албатта, бу усул яхшигина ҳаражатталаб эканини ҳам унутмаслик керак. Бойси, геотермал энергия қиммат манба бўлиб, 1 мегаватт қувватга эга станциянинг нархи тахминан 2-7 миллион АҚШ доллари атрофида ўзгариб туриши мумкин. Бироқ ҳаражатлар узоқ муддатли инвестицияларнинг бир қисми сифатида қопланиши эҳтимоли юқори.

Энг муҳим жиҳатлардан яна бири, геотермал энергия барқарорлигини сақлаб қолиш учун уни тўғри бошқариш керак.

Ўйлаймизки, бу дунёда аслида ечимсиз муаммонинг ўзи йўқ. Бизнинг мамлакатимизда эса, аёнки, Менделеев жадвалидаги деярли барча элементлар мавжуд. Ҳамма гап улардан ақлни тўғри йўналтириб, илмий салоҳият орқали оқилона фойдаланиш лозим. Шу маънода биз бугун сўз юритган мавзу ҳам халқимизнинг яқин келажакдаги ҳаётини янада фаровонлашувида мустаҳкам пойдевор вазифасини ўташига заррача шубҳамиз йўқ.

БИЗНИНГ ДЕПУТАТ

# Саховатнинг чегараси борми?

Муҳаббат Йўлдошевани бугун Андижонда кўпчилик танийди, десак ишонаверинг. Сабаби, у азалдан боқувчисини йўқотган, кам таъминланган ва ногиронлиги бўлган хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уларга қўлидан келгунича яхшилик қилмоқни истарди. Лекин ўша маҳаллари унинг бисотида бор-йўғи бир дона тикув машинаси бўлиб, саховат кўрсатмоққа қўли калталик қилаётганидан ўзи ҳам қийналарди.

– Ўз шахсий бизнесимни 2013 йилда бошлаган эдим. Тўғрироғи, раҳматли қайнонамдан қолган тикув машинаси билан ишга киришганман, – дейди Муҳаббат Йўлдошева. – Мақсадимни турмуш ўртоғимга айтсам, роса хурсанд бўлди. Сўнг ўз хонадонимизда 5 нафар қиз билан фаолиятни бошладик. Қийналдик аввалига. Чунки тайёр бўлган кийим-кечакларни сотайлик десак, яқин орада бозор ҳам йўқ эди. Дўконлар эса бармоқ билан санарли бўлиб, улар кўпроқ озиқ-овқат маҳсулотлари сотишарди. Изланишдан тўхтамадик. Секин-аста буюртмалар сони кўпайиб борди. Натijaда уларни бажариш учун кечаю кундуз тинмай бичиш-тиқиш ила машғул бўлдик. Мижозларимиз сони шу қадар кўпайдики, энди уйимиздаги 5-10 та тикув машинаси камлик қилиб қолди. Нима қилиш керак? Фаолиятимизни кенгайтирмасак, шунча машаққат билан бошлаган тадбиркорлигимиз касодга учраши ҳеч гап эмасди.

Мураккаб вазиятдан чиқишимизда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ҳар бир туман-шаҳар кесимида аёллар бизнес лойиҳалари рўйхати шакллантирилиб, хотин-қизлар тадбиркорлиги дастури доирасида соддалаштирилган кредитлар ва грантлар ажратилгани учун молиявий кўмак олишга эришимиз ва 2016 йилда ўз тижорат йўналишимизни кенгайтиришга муваффақ бўлдик.

Тиниб-тинчимас ишбилармон аёл бунинг ўзи билан қиёғиланиб қолишни истамасди. Имконият бўлиши билан чет элдан пайпоқ тўқиш дастгоҳларини олиб келиб, "Аёллар дафтари"да рўйхатда турувчи маҳалладаги ишчи, қийналган хотин-қизларни атрофига

жамлади. Эринмасдан уларга машаққатлаб касбнинг сир-асрорларини ўргата бошлади.

Кичкина жойда бошланган тадбиркорлик фаолиятини энди кенгроқ жойга кўчирмаса бўлмасди. Охири эскириб, ярқоси бир ҳолатга келиб қолган беш қаватли иморатни таъмирдан чиқарди. Сўнгра ишхона ўрнида яна битта бино қуриб, уларнинг пастки қисмини трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонасига айлантирди. Шундан сўнг бинонинг юқори қаватлари субсидия ва кредит асосида ходимларга уй-жой сифатида топширилди. Аммо ижтимоий ҳимоя реестрида турувчи аёлларнинг баъзилари бошланғич тўлов учун маблағ топа олмай қийналдилар. Табиатан жонқуяр Муҳаббат Йўлдошева яна чидаб туролмади. Уларга енгиллик яратиш мақсадида уй-жойларни бошланғич тўловларсиз харид қилиш имконини берди. Корхона ходимлари тадбиркор аёлнинг бу топқирлигидан жуда мамнун бўлишди. Сабаби, аввал топан пуллари асосан ижара ва рўзғорга ишлатилган, ортиқча маблағ жамғара олишмаган-да. Энди эса ишлаб топаётган даромадларини ижарага эмас, ўз оиласи учун сарфлашмоқда. Буларнинг бари бир фидойи аёлнинг меҳнати ортдан амалга ошаётган савобли муваффақият эди.

Ниҳоят қаҳрамонимизнинг узоқ йиллик заҳматли меҳнати муносиб қадр топди.

– Уша кунни эсласам, ҳали-ҳамон юрагим ҳаприқиб кетади, – дейди Халқ депутатлари Қўрғонтепа туман кенгаши аъзоси Муҳаббат Йўлдошева. – 2018 йил ҳеч эсимдан чиқмайди. Давлат аҳамиятига молик бир тадбир-



га таклифнома беришди. Ва бир умр эсимдан чиқмайдиган воқеа содир бўлди: шахсан муҳтарам Президентимизнинг қўлларидан "Дўстлик" орденини қабул қилиш бахтига мушарраф бўлдим.

Ҳозирги кунда 60 нафар аёлнинг бошини бириктириб, катта ишларга қўл ураётган депутат тиним билмай изланади. Эътиборли томони, Муҳаббат опа нафақат ўзи бошқараётган корхона вакиллари, балки тумандаги бошқа аёл-қизларнинг ҳам касбли ва даромадли бўлиши ҳақида ҳамisha қайғуради.

Қўрғонтепа туманида депутатимиз ташаббуси билан 250 нафар "Аёллар дафтари"да ту-

рувчи хотин-қиз тадбиркорлик кўникмаларига ўқитилди. Ушбу кўрсаткич йил охиригача 1 381 нафарга етиши режалаштириляётгани янада ибратлидир.

Ҳар доим янги ғоялар ва ташаббусларни бошлаб юрувчи Муҳаббат Йўлдошеванинг келгусидаги режалари ҳам кўп. У шу кунларда тадбиркорликнинг бошқа йўналишлари бўйича ҳам иш бошлаш арафасида. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикасида заргарлик тармоғини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони асосида, Қозғистон, Россия ва бошқа хорижий давлатларда заргарлик билан шуғулла-

наётган ўзбек йигит-қизларини касаначилик фаолиятига жалб қилаётир. Бугун улар сайқал берган зебу зарлар бутун мамлакат бўйлаб заргарлик буюмлари савдо шохобчаларида муносиб баҳоланмоқда.

Ҳали хулоса қилмоққа шошилмайлик. Негаки, O'zLiDeP сафида Муҳаббат Йўлдошевага ўхшаган чин маънода жонқуяр, саховатпеша ва доимо ўз сайловчиларининг қувонч-ташвишлари билан яшаётган депутатлар, маслақдошларимиз кам эмас.

Абдулла ЧИМИРЗАЕВ,  
"XXI asr" муҳбири



# ТИЛ БИЛГАН ДУНЁ КЎРАДИ

ФАХР

Лозим сиза ҳар тилни билув она тилидек,  
Билмакка ани ғайрат этинг, фойдали кондур.  
АВАЗ ЎТАР

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультети 1-босқич талабаси, “Эл-юрт умиди” жамғармаси стипендианти Гулқумар Жақсилқова Америка Қўшма Штатларининг Нью-Йорк шаҳридаги Stony Brook университетиде тахсил олиш шарафига муяссар бўлди.

– Гулқумар, авваломбор, грант соҳибаси бўлганингиз билан табриклаймиз!

– Раҳмат!

– Энди ўзингиз ҳақингизда сўзлаб берсангиз.

– Қорақалпоғистон Республикасининг Чимбой туманида туғилганман. Ибройим Юсупов номидаги ижод мактабини тамомлаб, ўтган йили халқаро журналистика факультетига ўқишга кирган эдим.

– “Эл-юрт умиди” жамғармасининг грантини ютиб олдингиз, тўғрими? Хўш, бу қандай дастур, унинг имкониятлари ҳақида тўхталсангиз.

– Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган “Эл-юрт умиди” жамғармаси гранти ҳақида биринчи марта, 9-синфда ўқиётган маҳалим эшитганман. Ушунда Нукусдаги Президент мактаби ўқувчиси мазкур грант соҳибаси бўлган эди.

Бу грантнинг афзаллиги шундаки, кимки ғолиб деб топилса, дунёнинг “Топ-300” университетларининг бирида тўлиқ грант асосида ўқиш имконига эга бўлади. Қолаверса, жамғарманинг асосий мақсади дунёдаги нуфузли университетларда ўқиб келган ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, Ватанимиз ривожига ўз ҳиссасини қўшиш учун барча шароитларни яратиб беришдан иборат.

– Ушбу грант соҳибаси бўлгунга қадар қандай босқичлардан ўтдингиз? Энг кўп қийинчилик туғдирган босқич қайси бўлди?

– Кўпчиликнинг хабари бор, бу жамғарма йилига икки марта имтиҳон қабул қилади. Синов босқичларидан ўтганлар стипендиант бўлишади. Жараён уч босқичдан иборат. Биринчиси, масофадан ҳужжат топшириш. Яъни, “Топ-300”га қирадиган университетлардан қабул хати, ўзбек тилида эссе ёзилади. Иккинчиси, танқидий фикрлаш – IQ-тест топширилади. Учинчиси эса суҳбат! Тўғриси, мен учун энг кўп қийинчилик туғдирган босқич суҳбат жараёни бўлди. Нега десангиз, биринчи марта топширганымда ана шу жараёндан ўтолмаганман.

– Дастур ғолиби бўлиш учун тил билиш энг муҳим синов шартими шунда?

– Стипендиант бўлиш учун, энг аввало, танланган тилни билиш шарт. Негаки, тил билмасангиз, ҳатто чет эл университетига ҳужжат ҳам топшира олмайсиз. Бу дега, сизга қабул хати берилмайди. Суҳбатда ҳам учтагача савол хорижий тилда берилиши мумкин. Шу боис ҳам камда В2 даражада инглиз тилини ўзлаштириш талаб этилади.

– Ана энди ўқишни хорижда давом эттирасиз-да, хурсандимизми?

– Бўлмасам-чи. Ишонсангиз, шу кунларда нақ еттинчи осмонда учиб юрибман. “Эл-юрт умиди”га сўралган барча ҳужжатларни тақдим қилдим. Худо хоҳласа, яқинда виза олиш учун суҳбатга қираман.

– Бу хушxabарни эшитган, ота-онангиз ҳам роса суюншгандир?

– Албатта, жуда қувонишди. Лекин, биласиз, қиз боланинг бегона юртларга боришини ҳар ким турлича қабул



қилади, аксарият одамлар ёқламайди ҳатто. Бироқ меникилар тескараси, ота-онам тўғри тушунишади, асосийси, менга ишонишади ва ҳар доим қўллаб-қувватлашади.

– Омад сизга қулиб боқди, бундай юксак натижага ўз билимингиз ва тинимсиз изланишларингиз туфайли эришдингиз. Хўш, кейинги режаларингиз қандай?

– Худойимнинг марҳамати туфайли шундай кунларга етдим. Энди фақат улғу мақсадлар йўлида изланаман, насиб этса. Океан ортида тахсил олиб қайтганимдан сўнг, албатта, она юртимизга журналистика соҳасида ижодий, илмий ишларимни давом эттираман. Ватанимизда соҳа ривожига Америка тажрибаси орқали ўз ҳиссамни қўшмоқчиман.

– Шундай нуфузли грант соҳибаси бўлмоққа интилаётган тенгдошларингизга тилакларингиз?

– Қизиқ бир иборани кўп марта эшитганмиз: замон сенга боқмаса, сен замонга боқ, дермиди?! Бугун давр ўзгарди, дунё ўзгаряпти. Одамлар ҳам кечаги кун одамлари эмас, тўғрими? Шундай экан, жаҳондаги энг ривожланган давлатлар тажрибасини ўз мамлакатимизда қўллаш учун тинимсиз изланишимиз, ишлашимиз, ўқишимиз кераклигини бугунги улкан жараёнлар талаб қиляпти. Энди тараққийётган, глобал ўзгаришлардан ортада қолмоққа ҳаққимиз йўқ.

Тенгдошларимга “Эл-юрт умиди” стипендиясини қўлга киритиш учун ҳаракат қилишни маслаҳат бераман. Нега демасизми? Сабаби, молиявий ҳолатингиз қандай бўлишидан қатъи назар, бу стипендия сизга катта имкониятлар эшигини очади. Шу орқали дунёнинг ривожланган давлатларида тўлиқ грант асосида ўқиш имконига эга бўласиз. Эътиборли жиҳати, хорижга чиққанингиздан сўнг кунлик харажатларингиздан тортиб, яшашингиз ҳамда йилга бир мартаба юртга келиб-кейтиш учун авиачипталарингизга барчаси тўлиқ молиялаштирилади. Грант ютмоқчимисиз, марҳамат қилиб тил ўрганинг!

ЎЗДЖТУ талабаси  
Нозима СЎБИДИЛЛАЕВА  
сўхбатлашди.

# СЕЛЕКЦИОНЕР ОЛИМЛАР – МИЛЛАТ БОЙЛИГИ

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги деҳқончилик тармоғининг асосий ва сердаромад соҳаларидан бири пахтачилик ҳисобланади. Юртимизда бу борада улкан ва бебаҳо тажрибалар тўпланган, селекционер олимларимиз томонидан юксак илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда.

Айниқса, кейинги йилларда юқори ҳосилли, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, тупроқ шўрланиши, гармсел, сувсизлик каби ноқулай омилларга бардошли, тезпишар, тола чиқими бўйича давлат стандарти талабларига жавоб берадиган ғўза навлари яратилган ва яратиб келинмоқда. Ҳукуматимиз томонидан ғўза селекцияси ва уруғчилигига доир кўплаб меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши ва жорий этилиши эса бу борада амалга оширилаётган изчил ислохотларнинг амалдаги ифодасидир.

Жумладан, 2002 йил 29 августдаги “Селекция ютуқлари тўғрисида”ги қонунда янги нав муаллифларининг муаллифлик ҳуқуқи бошқа шахсга ўтказилмайдиган ҳуқуқ экани ва мuddатсиз ҳимоя қилиниши белгилаб берилган. Селекция ютуғидан ўз хоҳишига кўра фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқ патент эгасига тегишлидир. Манфаатдор шахс муҳофаза қилинаётган селекция ютуғининг уруғлик, қўчат ёки насл материаллини етиштириш ва кўпайтириш, нав ёки наслик қондициясига етказиш, сотиш учун тақлиф қилиш, сотиш ва бошқа усулларда ўтказиш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб



**Барно МИРЗАМОВА,**  
Пахта селекцияси ва уруғчилиги  
илмий тадқиқот институти  
кичик илмий ходими, мустақил  
тадқиқотчи

рақобатбардош уруғликларни етиштириш мақсадида маҳаллий нав оригинаторлари ва уруғчилик субъектлари (кластерлар, кооперативлар, фермер хўжаликлари ва бошқалар) ўртасида тўғридан-тўғри келишувлар асосида лицензия шартномасини тузиш орқали элита ва юқори авлодли уруғликларни етиштириш, ўз эҳтиёжлари учун фойдаланиш, ички ва ташқи бозорда сотиш йўлга қўйилади.

Республикаимизда кўпайтирилаётган навлар уруғларининг наводорлиги, экиш ва ҳосилдорлик сифатларини сақлашга катта эътибор қаратилган бўлиб, қишлоқ хўжалиги эканларининг уруғларини тайёрлаш, сақлаш ва қайта ишлаш бўйича ички назорат хизмати ташкил этилган. Айтиш жоизки, уруғчиликнинг асосий вазифалари қишлоқ хўжалиги эканларининг уруғчилик базасини яратиш, қишлоқ хўжалигини серҳосил ва юқори сифатли уруғлар билан таъминлаш, нави янгилаш ва алмаштириш жараёнида биологик ва қимматли хўжалик белги ва хусусиятларини сақлаб қолишдир. Бундан ташқари, сифат устидан давлат назоратини амалга ошириш, мамлакатимиз ва жаҳоннинг қимматли генофондини сақлаб қолиш ҳамда ундан самарали фойдаланиш, уруғчиликка жаҳон тажрибаси ютуқларини жорий этиш соҳанинг муҳим шартларидан ҳисобланади.

Бугунги кунда Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институтидаги устозларим билан биргаликда ғўза ўсимлигининг янги касаллик ва зараркунандаларга бардошли, курғоқчиликка чидамли, юқори ҳосилдор ва тезпишар навларини яратиш бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб бораётганман. Ана шундай тадқиқотларимиз самарасида ғўзанинг С-6590 ва С-8296 селекция навларини яратишга муваффақ бўлдик ва ҳозирда бу навлар Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятларидаги кенг майдонларда экилмоқда. Энг муҳими, ундан юқори ҳамда сифатли тола олинишига эришилмоқда.



чиқиш ёки олиб кириш ёхуд юқорида кўрсатиб ўтилган мақсадларда сақлаш учун патент эгасининг рухсатини олиши керак. Бу эса селекционер олимларимизнинг интеллектуал мулки давлат томонидан муҳофаза қилинишини таъминлайди.

Селекционер яратган ҳар қандай янги нав ва зотлар ишлаб чиқаришда фойдаланилганида фойданинг маълум бир қисми уларга тўлаб берилади. Бунинг натижасида олимларнинг моддий аҳоли янада яхшилашиб, уларнинг ижодий ишларига ижобий туртки беради, янгидан-янги навларни яратиши учун замин яратади. 2019 йил 16 февралда қабул қилинган “Уруғчилик тўғрисида”ги қонунда ҳам ана шундай муҳим масалалар тўғрисида баён этилган. Шунингдек, Президентимизнинг 2023 йил 15 декабрдаги “Пахтачиликда уруғчилик тизимини ривожлантириш ҳамда пахта ҳосилдорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига биноан белгиланган нави янгилаш схемаларини ҳамда уруғлик чигитни кўпайтириш коэффициентини ҳисобга олган ҳолда сифатли ва

## РЕКЛАМА ЎРНИДА

# АЙРИ ОТА МАҲАЛЛАСИДАГИ БОЛАЛАР ҚУВОНЧИ

340 ЎРИНГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЖОЙДА 470 НАФАР ЎҚУВЧИ ТАЪЛИМ ОЛАЁТГАН МАКТАБГА 120 ЎРИНЛИ ҚЎШИМЧА БИНО ҚУРИБ БЕРИЛДИ

Бугунги кунда мамлакатимизнинг қайси ҳудудига юзланманг, ижтимоий-сиёсий ҳаётимизнинг қай соҳасига назар солманг, улкан қурилиш ва кенг қамровли бунёдкорлик жараёни давом этаётганига гувоҳ бўлишингиз мумкин. Айниқса, амалга оширилаётган изчил ислохотлар доирасида замонавий таълим муассасалари, кичкинтойлар учун қулай мактабга таълим ташкилотлари ва соғлиқни сақлаш масканларини барпо этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда қўлигул винокорларнинг янгилинишига қўшган муносиб улushi бор.

маҳалласига етиб келганидан аҳоли хурсанд. Боиси, айни шу маҳалладаги анчайин эскириб, таъмирталаб бўлиб қолган, 340 ўринга мўлжалланган жойда 470 нафардан ортиқ ўғил-қиз ўқиётган 5-мактаб учун 120 ўринли қўшимча ўқув биноси қуриб берилди. Бундан ташқари, турли тадбирлар ўтказиш учун 150 ўринли зал,

100 ўринли ошхона ҳам қад ростлади. Лойиҳани амалга оширишда Тошкент вилоятидаги Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси буюртмаси асосида ёш ва моҳир қурувчи Камолиддин Ортиқбоев бошчилигидаги “ЗОМИН СИФАТ” МЧЖ жамоаси жонбозлик кўрсатишди. Шунингдек, футбол, волейбол, баскетбол ва гимнастика майдончалари, ёрдамчи хўжалик учун ихчам бинолар барпо қилиниб, ҳозирда сўнгги пардозлаш ва ободонлаштириш ишлари якунига етказилмоқда.

Ушбу аҳил жамоа пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги Тошкент тиббиёт педиатрия институти клиникасининг 250 қатновли оилавий поликлиникаси биносини ҳам қисқа фурсатда реконструкция қилиб фойдаланишга топширди.

– Иншоотни бунёд этишда мутахассисларнинг талаби асосида, аввало, сифатли ва технология жиҳатдан мустаҳкам қурилиш маҳсулотларидан фойдаланилди, – дейди Камолиддин Ортиқбоев. – Қарийб 7 ярим милли-



ард сўм эвазига, мутасадди шифокорлар фикри иноватга олиниб, даволаш ҳамда беморларни қабул қилиш бўлимлари махсус дизайн асосида таъмирланди.

Биз эса, ўз навбатида, бунёдкорлик йўлида тинмай меҳнат қилаётган

“ЗОМИН СИФАТ” МЧЖ қурувчиларига ишингиз бароридан келаверсин, қўлигиз дард кўрмасин, деб қоламиз.

Юнусали ОЧИЛДИЕВ,  
“XXI asr” мухбири

Алоҳида таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг “2024-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори тилга олинган объектларни сифатли бунёд этиш ва ўз мuddатида фойдаланишга топширишда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Қурилиш ишларининг меъморий меъёр ва давр талабларига асосан олиб борилаётгани эса юртимиздаги кўркам иншоотларни йилдан йилга кўпайтирмоқда. Бу борадаги ислохотлар самараси Тошкент туманининг Айри ота



# ҚАШҚАДАРЁ – ЭЗГУЛИКЛАРГА ЧАШМА ДАРЁ

Яқинда Қашқадарё вилояти ҳоқими Муротжон Азимов ажойиб ташаббусни ўртага ташлади: пойтахтда яшаб ижод қилаётган воҳалик қаламқашларни ўзлари таваллуд топган ўлкага қорлаб, кейинги йилларда бу ҳудудда рўй бераётган улкан ўзгаришлар, бунёдкорлик ишлари ва асосийси, одамларнинг қувончу ташвишлари билан танишишлари мумкинлигини билдирди.

Ушбу таклифни эшитиб бошимиз осмонга етди. Ва "Тошкент – Қарши" йўналишидаги поездга чиқдим. Купега кириб келишим билан стол устида турган қадрдон "Хуррият"нинг яп-янгиларни кўриб хурсанд бўлдим. Поездда газета! Бўлар экан-ку! Телефонни четга суриб қўйдим-у, ўқишга шошилдим. Пўлат излар устида шамолдай елиб кетаётган поезднинг ғувиллашига ҳамоҳанг мутулаа янаям мароқли кечди.

Ана шу оний лаҳзалар беихтиёр менга беғубор болалигимни эслатди: дадам биз – саккиз фарзандини навбат билан дам-бадам пойтахтга олиб келиб, зиёрат қилдирадди. Ушанда йўл сумкамизда биз севган ширинликлар ёнида бир даста газета-журналлар ҳам бўлар, уларни йўл давомида ота-онам алмашиб ўқишар, энг ибратли парчаларини бизга ҳам илинишарди...

"Хуррият"га қайтаман. Унда ҳассос шоира Санобар Меҳмон шеърлари босилибди:

Бошдан-оёғим жунун,  
Бошдан-оёғим фунун,  
Сендай беморим учун  
Шифо мени келтирди.  
Ёки:

Ҳамд айт: Тангри – Ҳотамга,  
Ёш тўлдирди дийдамга,  
Сендай ношуд одамга –  
Ато мени келтирди...

– Опа, газета ўқишни яхши кўрасизми дейман? – баян-дан бери жим қузатаётган хайроҳларимдан бири саволга тутайди.

– Газета ё китоб йўл танобини тортади-да, телефонлар, тўғриси, чарчатди мени. Нима, сиз ҳеч нарса ўқимайсизми?..

Одатимга кўра ўқиган мақола ё ҳикоялардаги керакли жойларини қайдиномамга кўчираётсам, ёнимдагилар қизқиб қолиши ва бир зумда яхшигина ўқувчига айланди қолди...

Шу баҳонада "Ўзбекистон темир йўллари" АЖга битта таклифимни ёқса-ёқмасда-да бермоқчиман: имкон бўлса ҳар бир вагонга бошқа оммабон кундалик нашрларни ҳам мутулаа учун қўйиш лозим. Бу ихтиёрий мутулаа учун ўзига хос бир восита, холос.

## БИР ЎЗАНДАН СУВ ИЧАНЛАР

Нихоят манзилга етиб келдик. Қарши шаҳридаги темир йўл вокзалида мезмонлар бизни иззат ва эҳтиром билан қутиб олишди. Меҳмонлар кўпчилиги боис гуруҳларга бўлинди. Биз Қарши шаҳри ва туманларини зиёрат қилмоққа чоғландик.

Кенг ва раван йўлларда одимлаётган автобус деразасидан атрофга бўйлайман. Пойтахтдагидан қолишмай-



## АБДУЛЛА ОРИПОВНИНГ ТИРИК РУҲИ

борар экан, талаба ёшларнинг нурли чехралари, келажакка умид, бир дунё орзуларга тўла кўзлари жўшқин ёшлигимизга қайтарди гўё. Шунданми, улар билан учрашув баланларовоз сўзларга эмас, аксинча, гулгун даврни эслатувчи шеър-қўшиқларга тўлиб кетди. Минбарга чиққан ижодкорлар – адабиётшунос олим Нурбой Жабборов, ёзувчи Неймат Арслон, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Жаббор Тошев, Инобат Нормуродова, Шуҳрат Ҳайитов, Холиёр Сафаров, Норбўта Ғозиев, Зилола Хужаниёзова, Гулинигор Авазова юрт, ёшлик соғинчи акс этган шеърларини ўқиб беришди, ўлмас хотираларини бўлишди. Илму толибларга бу куннинг қадрига етиш, қайтмас дамланинг ҳар дақиқасидан билим олиш учун фойдаланиш жоизлигини ўқитишди. Самимий ва дўстона мулоқотдан ҳамма хурсанд эди.

Айтиш жоизки, мазкур олий таълим муассасаси вилоятда жойлашган бўлишига қарамай, таълим ва тадқиқотда глобал ёндашуви кўллаб-қувватловчи Ўзбекистондаги энг йирик ва етакчи университетлардан бири ҳисобланади. Ҳозирда 13 та факультет, 45 та кафедра мавжуд, 65 та бакалаврият, 26 та магистратура ва 27 та докторантура ихтисослиқлари бор.

– Замоनावий таълимни ривожлантириш мақсадида талабалар ва ўқитувчилар фаолиятини кўллаб-қувватловчи инновацион муҳит яратишга интилиб келяпмиз, – дейди биз билан суҳбатда университетнинг ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректори Ойбек Кузиев. – Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясига асосан ҳалқаро таълим дастурлари факультетимизда Россия Федерацияси ва Беларусь Республикасининг етакчи университетлари би-

Абдулла Орипов ижод мактаби университетнинг шундоқ ёнида жойлашган экан. Шоирнинг муаззам ҳайкали қад кўтарган, ўзгача дид ва шукҳга эга бу маънавий масканига кириб борар эканмиз, бизларни худди афсонавий шоирнинг ўзи жилмайиб кутиб олаётгандек туюлди. Фойенинг ўнг томонидаги музейда эса адибнинг ҳаёти ва ижоди, кўлэмалари, варақларда сақланган таҳрир ишларини қузатаётиб, шеърят қироли билан юз-ма-юз қоласиз гўё.

Кўлэмалар музейдагина эмас, бу ерда тарбияланувчиларнинг қалбига ҳам чуқур из қолдираётгани, уларни Ватанга садоқатли, юртига диёнатли, келажакда масъулиятли авлодлар бўлишга ундаётгани саҳнадаги ижроларидан, тўқинланиб, юракдан ўқийтган мисраларидан туйдиқ. Ўзбекистонимизнинг бўлажак Нодира Увайсийлари, Зебуносо Зулфиялари, Чўлпону Ойбек, Абдулла Ориф Эркин Воҳидовлари камол топаётганидан суюндик. Йилдан-йилга таълим ислохотларининг тақомиллаштирилётгани, ихтисослаштирилётганининг асл мақсади ҳам ўғил-қизларни мактаб давридаёқ истеъдоди, қизиқишларига қараб фанларга йўналтириш ва муносиб соҳа эгаси бўлишларига замин яратиш эканининг амалдаги ифодасини кўрдик.

– Бу масканда таълим-тарбия олаётган ўқувчилар Абдулла Ориповдек буюк шоирга муносиб фарзандлар бўлиб камол топиши, бунинг учун кўп китоб ўқиш ва Ватанин севиши муҳимлигини яхши англашди ва шунга мос ҳолда интилишди, – дейди Абдулла Орипов номидаги ижод мактаби директори Ёқутой Жамолова. – Ўқув даргоҳимиз энг сўнгги технологиялар билан жиҳозланган, замонавий ўқув биноси, ётоқхона, ошхона, спорт зали ва 210 ўринга мўлжалланган фаоллар зали, медиамарказ, актёрлик тўғраги учун кичик замонавий театр, дизайнхоналар мавжуд. Ўқитувчиларни танлов асосида саралаб, ўз фанининг етуқ мутахассисларини ишга қабул қилишга алоҳида эътибор қаратамиз. Фан ва веб-дизайн, компьютер графикаси, аудиовизуал асарларни яратиш ва қайта ишлаш, тасвирий ва рақамли санъат, ижодий тўғрақ, актёрлик маҳорати, мусиқа сеҳри каби тўғрақлар фаолият олиб боради.

## КАТТА ЛОЙИХАЛАРНИНГ КАТТА НАТИЖАСИ

Маънавий-маърифий тадбирлар доирасидаги учрашуларимиз ҳудуддаги тадбиркорлик субъектлари, ишлаб чиқариш корхоналарига уланди. Бугун уйда ойнаи жаҳони бўлмаган бирорта оила йўқ ҳисоб. Нафақат мамлакатимиз аҳолисини, балки хорижликларнинг ҳам телевизорга бўлган эҳтиёжини қондиришда катта ҳисса қўшиб келётган "Smart" заводи ҳам айнан Қарши шаҳрида жойлашган. 2017 йилда дастлаб кичкина цех бўлиб фаолиятини бошлаган завод бугун йирик ишлаб чиқариш қувватига эга – бир йилда турли ўлчамдаги 120 мингта телевизор тайёрлайди. Маҳсулотлар асосан экспортга – Россия, Озарбойжон, Қозғистон, Қирғизистон давлатларига йўналтирилади. 110 нафар ишчи-хизматчининг муносиб ишлаши учун барча шароитлар яратилган. Улар бутловчи қисмларнинг асосийларини маҳаллий компонентлардан тайёрлашади.

Корхона яқин ўртада совутгич, кир ювшин машинаси каби янги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга тайёргарлик кўрмоқда. Демак, яна талай ёшларимиз иш билан таъминланади ва бозорларимизда Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган сифатли маҳсулотлар янада кўпаяди.

Энг сўнгги рўсумдаги замонавий тозалаш, йиғириш ва ўраш ускуналари билан таъминланган "Sulton tex group" тивув фабрикасида ҳам иш қизғин. Ишчиларнинг қўли-кўлига тегмайди. Сифат ва назоратга қатъий амал қилинади. Ахир корхона маҳсулотлари буюртмага кўра тўғридан

тўғри хорижа – Польша, Туркия, Эрон, Миср каби мамлакатларга экспорт қилинади. Бу ерда толани тозалашдан тортиб, ўрашгача бўлган барча жараёнлар автоматик тарзда бошқарилади. Мазкур пахта-тўқимачилик кластери корхонаси ерга чигит қадаш, ғўза парваришлар, пахта ҳосили олиш, уни тозалаш, ип йиғириш, мато тўқиш, бўяш, хуллас, тайёр кийим-кечак ишлаб чиқаришгача бўлган вазифаларни бажаради. Бу эса маҳсулот таннархини арзонлаштириш ва сифатини ошириш ҳамда ишчилар бандлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Яширмаймиз, авваллари вилоятнинг худудларига йўли тушган одам бир тумандан иккинчисига ўтишда адоғсиз қир-адирликлар, чўллардан бироз зерикши мумкин эди. Ҳозирда бунинг бутунлай акси. Шаҳарсозлик бу чекка худудларда ҳам буй кўрсатаётгани боис, фикрларимиз ўзгарди. Яққабог туманида катта йўл ёқасида қад ростлаган Янги Ўзбекистон массивидаги баян уй-жойлардаги хонадонларга эгалари бирин-кетин келиб жойлашмоқда.

– Тадбиркорлар томонидан сифатли тарзда қурилатган ушбу тураржойларнинг ҳозиргача 30 дан ортиги топширилди, – дейди туман ҳоқими Лутғи Абдуллаев. – Режага биноан яна 24 та уй-жой қурилади. Атроф тўлиқ ободонлаштирилиб, дароҳт кўчалари ўтқазилиб, яшил худудга айлантирилади. Энг муҳими, бу маҳалланинг номи жаҳонгир бобомиз Амир Темур номи билан аталади.

## ЯХШИЛИК ЙЎЛИДА

Хуллас, вилоятдаги ўзгаришлар, давлат дастурлари ижросининг тўғри амалга оширилаётгани, одамлар ҳаётидан рози бўлишлари учун қилинаётган кенг қўламли ислохотларни санаб адоғига етиб ҳам, бир саҳифага сиғдириб ҳам бўлмайди. Икки кун давомида ўз кўзимиз билан кўрган-кечирганларимизнинг даволум қисминигина баён этолдим, холос, этолмаганларим қанча. Улар ҳақида ҳам келгусида газетамизда ёритишни ният қилган ҳолда шунга айтимоқчиманки, Қашқадарё бугун чинакам меҳнат ва тараққиёт майдони, бандлик ва инвестиция макони, ёшларнинг шижоати қадрланган, қўллаб-қувватланган, кексалари эъзозланган худудга айланган улгурган.

Бу ҳақда Шаҳрисабз туманидаги Мираки туризм маҳалласи "Лочин" оромгоҳида бўлиб ўтган "Ёшлар 2024 – ғоялар вақти" форумида ҳам алоҳида таъкидланди. "Шўртан газ кимё мажмуаси" ва "Uzbekistan GTL" МЧЖда фа-



олият кўрсатаётган ёшлар иштирок этган мазкур ижодий учрашувда вилоят ҳоқими сўзга чиқиб, воҳода амалга оширилаётган ишлар, қалам аҳли, ОАВ вакилларининг эркин ижод қилишлари учун яратилган шароитлар, режалаштирилётган лойиҳалар ҳақида гапирди.

– Халқ фаровонлигини таъминлаш, муаммо ва камчиликларни биргаликда бартараф этиш энг муҳим вазифаларимиздан саналади, – деди Қашқадарё вилоят ҳоқими Муротжон Азимов. – Айниқса, узоқ туман ва қишлоқларда кубуноналар очиш, адабиётлар билан таъминлаш, ижодкор ёшларни кўллаб-қувватлаш, Ватанимиз тарихи, адабиёти, туризми, мусиқа ва санъатини янада ривожлантиришни кўллаб-қувватлашда сиз, азиз зиёлиларнинг ҳаётий таржиба ва билимларингизга таянамиз. Зеро, воҳамиз ривож ҳамда ёшлар таълим-тарбияси йўлида бирлашиш бугуннинг талабидир.

...Сафаримиз Шаҳрисабздаги Кўкғумбаз ва Оқсарой тарихий обидалар зиёратида давом этди. Шаҳрисабз шаҳар ҳоқими Шерзоджон Бўриев бу қадим гўшада шу кунларда бажарилаётган ишлар хусусида журналистларнинг саволларига жавоб берди. Меҳмонларни янада кўпроқ жалб қилиш, бандлигини таъминлаш, таълим ва тадбиркорлик йўналишидаги режаларини бўлишди.

– Ижод аҳлининг дунёга келиши учун замин яратади, – дейди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Ҳафиза Эгамбердиева. – Айниқса, бир дарёнинг сувини ичиб, тузини тотган воҳаликларнинг киндик қони томган маконларида бўлиш шув-туз ҳақини янада оқлашга, келгуси ижодларида Ватан, юрт, фидойилик мавзулари кенг ўрин олишида туртки бўлиши шубҳасиз.

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,  
"XXI asr" мухбири  
Тошкент – Қарши – Тошкент



диган, миллийлик ва замонавийлик уйғунлашган кўркам, баян биналар, тураржойлар кўзларни қувнатади. Айниқса, илк учрашув манзилимиз – Қарши давлат университети мусофдо ва кўм-кўк осмон остида қулочларини кенг очиб турган меҳрибон муаллимга ўхшарди. Назаримда, бу даргоҳ тарихга қўл урган зот архитектурада айнан шу – илму толибларга бағрини кенг очиб турган устоз, қадрдон маскан маъноси акс этишини истаган.

## ЁШЛИККА ҚАЙТИБ ЁХУД ХОТИРАЛАР УЙҒОНГАН КҮН

Республика маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими раҳбари, "Меҳнат шўхрати" ордени соҳибаси Комила Каромова бизларни университетга бошлаб

лан ҳамкорликда 6 та бакалаврият таълим йўналиши ва 4 та магистратура мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Жумладан, Белгород давлат миллий тадқиқот университети, Москва давлат лингвистика университети, Приволжск тадқиқот тиббиёт университети ва Гродно давлат университетлари ҳамкорлигида филология, биология, лингвистика, даволаш иши, педиатрия иши, амалий математика йўналишлари бўйича 220 нафар бакалавр, 26 нафар магистрант тахсил олмақда. Қўшма таълим дастурларида ўқитиш сифатини ошириш мақсадида бакалаврият таълим йўналишларида 94 нафар, магистратура мутахассисликларида 56 нафар маҳаллий ва хорижий профессор-ўқитувчи фаолият кўрсатмоқда.

МУАССИС: TADBIRKORLAR VA ISHBILAR MONLAR HAKARATI –  
O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI



Бош муҳаррир  
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Таҳрир хайъати:

Ақтам ХАЙТОВ  
Бахтиёр ЯКУБОВ  
Мавлуда ХУЖАЕВА

Дилшод ШОУМАРОВ  
Сирожиддин САЙИДИ  
Ақшагил ТУЛЕГЕНОВА

Нодир ЖУМАЕВ  
Шуҳрат АСЛОНОВ  
Насимжон АЛИМОВ

Таҳририят манзили:  
Тошкент шаҳри  
Нўкус кўчаси 73А-уй.

электрон почта:  
xxi\_asr@mail.uz  
xxi\_asr@mail.ru



Телефонлар:

қабулхона –  
71 215-63-80  
(тел. факс).

Обуна ва реклама  
бўлими –  
71 255-68-50.

"XXI asr" ижтимоий-сиёсий газетаси  
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот  
агентлиги (ҳозирги Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва  
оммавий коммуникациялар агентлиги)нинг 2011 йил  
14 июнда 0009-рақами билан рўйхатдан ўтказилган.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик  
компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:  
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.  
Газета офсет усулида, А-2 форматда  
босилди. Ҳажми – 3 босма табоқ,  
Буюртма рақами: Г – 645  
Адади: 4709  
Баҳоиси келишилган нархда.  
Топширилди: – 20:20

Таҳририятга келган кўлэмалар тақриз  
қилинмайди ва муаллифларга  
қайтарилмайди.

© "XXI asr" дан олинган маълумотларга манба  
сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуктаи  
назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета таҳририят компьютер  
марказида терилди.

Саҳифаловчи:  
Маъруфжон Раҳмонов



НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406  
1 2 3 4 5 6

Навбатчи муҳаррир:  
Фаррух ЖАББОРОВ